

Масрур РАҲИМЖОНОВ,
ЎзХИА «Мумтоз шарқ адабиёти ва
манбашунослик» кафедраси ўқитувчиси



Ғазал-марсияларнинг ўзига хос хусусиятлари

Мумтоз лирикамиздаги марсиялар такомилида шаклланган ҳаётсеварлик, инсонпарварлик, ёруғликни улуғлаш ва тирикликни қадрлаш ғоялари ҳазрат Алишер Навоий тажрибалари самарасида алоҳида йўналиш касб этди. Мазкур тамойил кейинги асрлардаги бадий-эстетик тажрибаларда қутлуғ хусусиятлари ила ўз аксини топди. Хусусан, Роқим, Нодира, Ҳазиний, Хилватий ва ҳ.к. шоирлар марсияларида ҳаёт ва ўлим, ўткинчи тириклик ва боқийлик, эзгулик ва зулм сингари боқий масалалар янгича талқинларда бадий-фалсафий, ижтимоий, ахлоқий маънолари билан ажралиб туради.

Деманг, эй аҳбоб, нечун оразинг ранги сўлар,

Бизни бу ҳолатга солди жонга етгон қайғулар,

Менга бўлгон ҳар кишига бўлса албатта ўлар,

Кўрса аҳволимни доно йиғлару нодон кулар,

Ибрат олур мендин эмди аҳли даврон, водариг¹.

Роқимнинг «Марсияи Авазбек» асаридан келтирилган ушбу сатрлар ва умуман, буткул марсия фарзанд доғида ёниб куйган, бағри ўртаниб садпора бўлган отанинг психологиясини теран ёритишга қаратилган. («Орази боғи латофатда гули хумро эди, жон аро ёзган алифдек қомати раъно эди. Хуш адову хуш тақаллум хуш қилиқ барно эди, Даҳр

¹ Роқим. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи О.Қосимхўжаева. Тошкент, 1965. – Б.173.

аро ондоқ ўғул айтинг қачон пайдо эди, Емрулиб қолди сарою қасру айвон, водариғ», 171-бет). Марҳум Авазбекнинг ақл-заковатда, хусну одобда, қадди қоматда танҳо ҳавас қилгулик солиҳ ўғил бўлганлиги ундан айрилиш-йўқотишнинг дарди-аламлари нечоғлик улкан эканлигини кўрсатади. Эзгу амалларни адо этишга ошиқади: турфа ширин сўзлари ила одамлар кўнглида меҳр уйғотади.


Айни гуллаб-яшнаган, навқирон ёшда Авазбек бошига изғирин аёз ёпирилгандек бўлди. Гулдек қовжирадию бемаҳал сўлди. Тириклик ана шу хил кутилмаган зарбаларга дош беролмади. Водариғ, Тангрим ўзи берган мулкани истаган маҳали яна қайтариб оларкан. («Топмади ҳеч ким қазо ўқиға қалқон»; «Ҳар киши туғди онодин ўлгусидир оқибат, Топмамиш ҳеч ким ажалнинг дардига дармон», «На гадо қолғусидир мунда, на султон, Барча эл борғуси бир-бир бу жаҳондин охир» ва ҳ.к.).

Роқимнинг «Марсияи Авазбек» асари ботиний бир нурга йўғрилганлиги билан эътиборли. Хусусан, у ўқувчини тушқунликка чўмдирмайди. Руҳан чўкдирмайди. «Бу ёруғ очунда ҳаммаси ўткинчи, дунё ситамкор, ҳаёт бебақо», дегандек мискин хаёлларга кўмиб ташламайди. Бир тутам ёруғликдан баҳрамандлик туйғуси шукроналикни юзага келтираётир. Аслида, насиб этган бир бурда умр – бу Яратгувчининг назарига ноиллик шарофатидир. Назарнинг ўзи эса нурга чайиб олинган.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган

хоразмлик ўзбек шоири Роқим ижодида марсия жанрининг кўп ўрин эгаллаши тасодифий эмас. Анча вақт фарзандсизлик доғини тортган Роқим ёши улғайган йилларда икки ўғил кўради. Унинг ҳар иккала ўғли Хоразм мадрасаларида хат-саводини чиқаргач, Бухорога ўқишни давом эттириш учун боради. Ўғиллари Бухорода ўқиб юрган вақтида ота-она фарзандларини соғиниб, уларни чақиртирадилар. Фарзандлар ота-она билан дийдор кўришгач, яна Бухорога қайтиб ўқишни давом эттирадилар. Кейинчалик улардан бири ота ҳузурига қайтиб келади, иккинчиси эса Бухорода қолади.

Орадан кўп вақт ўтмай, Роқимнинг Юсуф исмли фарзанди отдан йиқилиб ўлади. Азиз фарзандини не-не орзулар билан катта қилаётган Роқим бу хабардан фарёд чекиб, 1798 йилда (бу вақтда у 56 ёшда эди) Юсуф вафотига бағишлаб марсия ёзади. Мухаммас формасида ёзилган бу марсияда у Юсуфни «навнихолим», нотавон жисмим ичидаги жоним, умрим боғининг шодлик ғунчаси деб таърифлаб, унинг шу ёшда яхши хат чиқариб, саводхон бўлиб етишгани билан фахрланади, унинг одамлар билан «хуш мулоқоту мулойим»лиги кўз олдидан кетмайди. Бундай гўзал фарзандни у дунёда, ҳеч шубҳасиз, хуру ғилмонлар билан қўшилган деб тасаввур қилади. Марсиядан маълум бўлишича, қариндош-уруғлар шу кезларда Юсуфни уйлантириш тараддудини кўраётган эдилар. Шунинг учун ҳам унинг кутилмаган бир аснода фалокатга учраши фақатгина ота ва онасини эмас, балки барча



қавм-қариндошларни, ёр-биродарларни ларзага келтиради.

Роқим фарзандлари вафотидан сўнг тушкунликка тушиб, ҳаётининг чироғи ўчганидан шикоят қилади; на қасру айвон, на сарву гул, на боғу гулистонлар – ҳеч нарса энди унинг кўзига кўринмайди. Ота-она фарзанд қабри атрофида парвона бўлишади. Шоир ўлимнинг дас-тидан кимга ҳасрат қилишини билмайди:

Оҳ билмасмен ўлум илгидин айлай
кимга дод,

Ёлғузимдин ойириб кўнглумни қилди
номурод,

Гардиши даври фалакдин бўлмади
ҳеч кимса шод,

Оқил эрсанг қилмағил дунёи дунға эъ-
тимод.

Қилган эрмастур вафо ҳеч кимга дав-
рон, Юсуфим².

Марсия ғазал, мухаммас формалари-да ёзилиши мумкин. Лекин марсиянинг классик формаси деб таркиббанд ҳисобланган. Шунинг учун Навоий ўзининг Абдурахмон Жомий ва Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган икки марсиясини ҳам таркиббанд формасида ёзган.

Ўзбек адабиёти тарихида хоразмлик шоирлардан Зийрак (XVIII аср), Мунис (XIX аср), фарғоналик шоирлардан Хувайдо (XIX аср) ҳам ажойиб марсиялар яратишган.

Зийракнинг бу марсияси ўзи ва рафиқаси номидан унинг сеvimли қизи Бибиниёз вафоти муносабати билан ёзилган бўлиб, бу ҳам таркиббанд шаклида, 96 мисрадан иборат. Ҳар бир байтда мархумнинг сифатлари таърифланади.

Нодиранинг умр йўлдоши, Кўқон хони Умархон вафоти муносабати билан битган «Юзунг ҳажрида тўфондур сиришким тутти дунёни», «Бўлди ул фур-

² Р о қ и м. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи О. Қосимхўжаева, Т., 1965. – Б. 19.

сатки тарки суҳбати олам тутай», «Фалак илги ғуборим сарсари ҳижрона топшурди» сингари сатрлар билан бошланадиган ғазалларида туйғу-кечинманинг ўзгача бадиий талқинларини кўришимиз мумкин.

Табибо, чекма заҳмат ҳолима ҳасрат давосичун,

Қазо ҳижрон маризин дарди бедар-мона топшурди.

Ғамида ўтти давре дарди ҳижрон бўлмади охир,

Ки ҳасрат жоними андуҳи бепоёна топшурди³.

Фалак шунчалар бераҳм, ситамкорки, лирик қаҳрамон вужудини кўз ёши тўфонига кўмиб ташлади. Ғамга чўмган ҳис-туйғунинг турфа қирраларини шуълалантириш натижасида лирик қаҳрамон нечоғлик оғир мусибатга ботганлиги аёнлаша боради. Ҳасрат, андуҳ шунчалар бепоёнки, ер ила самони алам тутини тутган. Ҳеч нарса мотамсаро кўнгилга таскин беролмайди. («Эрур бир қатраи кўз ёши тўфона топшурди. Нодира не қилсин, бағрини лола янглиғ доғ этмай. Зеро, чарҳ доғи уни шоҳ Умарсултонга топширган бўлса»).

Кўринадик, ғам-аламнинг кўнгилда уйғотган оғриқларини бирма-бир суратлантириш орқали кечинма портрети яратилипти. Умархон нафақат мамлакат хони, халқ таянчи, раият устуниси эди, яна у шоиранинг кўнгил султони ҳам эди.

Кўнгил комини ширин истадим, жомивисолидин,

Фиғонким, чарх ҳижрон заҳридин талх этди комимни.

Қоронғу бўлди олам дуди оҳимнинг саводидин,

³ Н о д и р а. Девон. Ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлар. (Нашрга тайёрловчи Махбуба Қодирова). ЎЗРФА нашриёти, Тошкент, 1963. – Б. 201.

Ки фарқ этмас мунажжим рўзи равшан бирла шомимни (205-бет).

Тирикликнинг қисмати шуми, айна гул-гул очилган, чарақлаб порлаган, яшнаган бир паллада қўққисдан умр чинори қуласа. Шеърнинг илк сатрлари сўнган тирикликни идрок этаркан, ўқувчининг онги-шуурига, ақл-тафаккурига ҳам кенг ўрин берилади. Яъни, ана шу омиллар, деталлар айрилиқнинг нечоғлик улканлигини, йўқотишнинг қанчалик азобли ва ўнганмаслигини бизга ҳис эттиради. Кўнглимизда ғалаёнлар, тўфонлар қўзғайди («Фалак туфроға пинҳон айлади моҳи тамомимни»). Ушбу образли ифода, яъни ойнинг тупроқ ила беркитилиши, тупроққа қориштириб юборилиши ўқувчининг онги-шуурида амир Умархоннинг ҳаётдаги мавқеини, тириклик маснадида кечган порлоқ дамларини жонлантиради.

Демак, шоиранинг қайғуларига сабаб бўлаётган нарсаси бу – ҳаётнинг азалий ва абадий қонунияти бўлмиш иқболнинг заволга маҳкумлигидир. Ер юзида ҳеч бир тирик жон боқий эмаслигидир. Шу боисдан ҳам ҳаёт ситамгар, бахт – бебақодир. Умрки кўзни очиб юмгунча кечган оний сония экан, бахт эса ўз ўзини ишонтиришга чоғланган ширин ёлғондир.

Нодиранинг ғазал-марсияларида ўлимга муносабат орқали ҳаёт ва ёруғлик ҳақида ўй-мушоҳадаларга берилиш устувор. Ана шу асосда кечинма психологиясини яратишдек ўзига хос тансиқ фазилати, муҳим хусусияти намоён бўлади.

Ҳазинийнинг ғазал-марсияларида эса туйғулар талқини ўзгача мазмун-моҳиятга эга. Хусусан, «Жаҳони бевафодин охири бир кун кетар бордур», «Сано айтиб Худоға андалиб сўйи чаман йиғлар», «Қаю жонлик жаҳонға келса, охир ўлмайин қолмас», «Бу ўтар дунёға, дўстлар боғу бўстонинг ғалат», «Қўйди ҳам кўксум

аро юз минг жафоларни фироқ» сатрлари билан бошланадиган ғазалларида шоирнинг ҳаётга, ҳаёт хоссаларига бўлган нуқтаи назари, тириклик ва ўлимга муносабати орқали маънавий-ахлоқий қадриятларни эстетик баҳолаш, бадий умуллама фикрлардаги ҳаётсеварлик ғоялари етакчилик қилади.

Қаю жонлик жаҳонға келса, охир ўлмайин қолмас,

Тирикликда халойиқ бир-бири қадрини билмас.

Ажаб мотамсаро дунё эрур, поёни йўқ, билсам

Ки, сен дунёға мағрур ўлмағил, ҳаргиз вафо қилмас⁴.

Ҳазиний ғазаллари гарчанд, бирон-бир реал кишининг ўлимига бағишланмаган эса-да, улар ғоявий мазмун-иўналишига кўра ўлимга аталган марсиялардек англашилади. Хусусан, Ҳазиний ғазалларининг Роқим, Нодира, Хилватий ва ҳ.к. шоирлар асарларидаги мунгли руҳдан фарқли жиҳатлари бевоқиф ҳаёт ва ўлим мавзусига ёндашуви, бадий талқин хусусиятлари билан белгиланади. Ҳазиний ғазалларида бу ёруғ очуннинг ишвакор ҳою ҳавасларига берилмаслик, тирикликни ғанимат билиш, одамлар бир-бирларини қадрлаши, ҳаётнинг тотли, жозиб замзамаларига муккасидан кетмаслик, ўн саккиз минг олам ижодкори, яратувчи Ҳақ таоло зикрида бўлиш, шукроналик сингари ғоялар етакчилик қилади. Тўғри, улар ҳар лаҳзада бандага ўлимнинг муқаррарлигини эслатиб туради. Ва лекин, ҳаётдан бешиш, беш кунлик умр ўткинчилигидан нолиш сингари кўнгил задаликни юзага келтираётгани йўқ, албатта.

Ёлғиз Тангри таоло тоати ила тирикликни зийнатлаш, ҳаётни олқаш ҳамда

⁴ Ҳ а з и н и й. Тасаддуқ, ё расулуллоҳ. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи А.Мадаминов. Тошкент, «Ёзувчи», 1992. – Б. 10.

умрни қадрлаш, имон бутунлиги ва саломатлиги Ҳазиний ғазалларидаги қайғули ўкинч руҳига ҳаётбахш мазмун бағишлайди. («Аёғинг остига боқғил, ҳамма ер ичра пинҳондур»; «Ўлим ёшу қари, шоҳу гадоларға баробардур»; «Беш кунлик умрға жою манзил ҳам керакмасдур, Ўлумни ўйлаган одам бу дунёга назар солмас»; «Охиратга ҳар киши имон била борса, Ўшал ерда ани сан англагил, ўлган била ўлмас»; «Лоф уриб, оламни мулким, деган шоҳлар қани? Қўймагай охир, билинг, шоҳу гадоларни фироқ» ва ҳ.к.).

Дардига топмай даво, кетти Фалотундек ҳаким,

Олди ер қўйниға кўп ақли расоларни фироқ. (12-бет)

Эй ёронлар, билсангиз, дунё эрур кўҳна работ,

Хотун, эркак қўймагай ҳам ёш балоларни фироқ.

Қайғули ўй-фикрлар туғдирган тахайюллар жонлантирилган кечинмаларга ўз ўрнини бўшатиб беради. Ғариб хотиралар етим кечинмалар бағрига ўзини отади. Бирга яшашга орзуманд. Ўлимнинг «яхшилиги» ҳам бор. Инсон қадри, тириклик неъматини нечоғлик беназир эканлигини ёдига солаверади. Оламлар бунёдкори Ҳақ Таоло зикрида бўлиш, имон бутунлиги ва саломатлиги, ўзидан муносиб «тирноқ» – фарзандлар қолдириш, ўз номини солиҳ юмушлар ила сарафроз этиш тадорукларига ундайди («Баъзини қилди азиз, бир нечаларни қилди хор. Ҳарна қилса холиқим, шукр айлагил. Бил, сидқ ила шукри худони қадрини», 36-бет).

Демак, юқорида кузатилган ғазал-марсиялар мисолида айтиш мумкинки, Роқим, Нодира, Ҳазиний ва ҳ.к. шоирларнинг бадиий-эстетик тажрибалари жамиятнинг, миллатнинг исломий

маданият таъсирида шаклланган тасаввур ва тушунчаларини акс эттирган муайян босқичлардир. Уларда халқимизнинг диний-ахлоқий билими, маънавий-интеллектуал савияси ўз ифодасини топган. Шу маънода, ғазал-марсиялар жамиятнинг руҳий кайфияти, маънавий маданияти тарихидир, дегинг келади. Зеро, юқорида ўрганилган таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусаддас-марсия ва ҳ.к. намуналар халқимизнинг муқаддас Куръони карим ҳамда муборак ҳадислар таъсирида шаклланган, тараққий этган маънавий-интеллектуал маданиятининг муайян манзараларидан, ҳолатларидан ҳам воқиф этади. Ушбу асарларнинг фазилати айнан ана шу исломий диний-ахлоқий маданиятнинг дунёвий қарашлар, фалсафий ғоялар билан омукталиқда, узвий боғлиқликда зоҳир бўлишидир.

Шоирларимиз якка бир шахслар вафоти муносабати билан мунгли ҳолатлар психологиясини яратиш ҳамда ғамгусор кайфиятлар манзарасини суратлантириш баробарида олам ва одам сир-синоатларини англашдаги, тушунтиришдаги халқона дунёқарашини ҳам ёритишга муваффақ бўлдилар. Шу маънода мумтоз шоирларимиз санъат ривожига камарбаста бўлиш баробарида яна жамиятнинг руҳан ва ақлан-фикран камоли учун ҳам хизмат қилдилар.

Ушбу силсилада Нодиранинг мусаддас-марсия, мусамман-марсия, фироқнома, таржиъбанд-марсия намуналари алоҳида файзли ўрин тутади.